

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 29 июнь, № 126 (6561) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!

Ҳурматли дўстлар, азизларим, қадрдонларим!

Авваламбор, мана шундай улкан, ҳақиқатан ҳам ноёб лойиҳани амалга оширишда иштирок этган, ўзининг фидокорона меҳнати, азму шижоати билан ҳаммамиз, бутун халқимиз учун бугунги қувончли воқеа, тарихий кунни тақдим этган барча инсонларни, сизларнинг ҳар бирингизни, бутун эл-юртимизни бағримга босиб, тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган шундай мислсиз ютуқ билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Ўзининг мардона меҳнати билан мана шундай унутилмас кунларга, буюк марраларга етиб келишимизга беқиёс ҳисса қўшган инсонлар, барча қурувчилар, темир йўл соҳасининг моҳир ишчи-хизматчиларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Бу қувончли кунни халқимиз, жумладан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси неча йиллар давомида орзу қилгани, ота-боболаримиз учун армон бўлган бу бахт албатта бизларга насиб этади, деб, айниқса, охирги йилларда интизорлик билан кутгани сир эмас.

Мен бугун барча дўстларим, қадрдонларимга, мана, биз сизларга берган ваъдамизнинг устидан чиқдик, бугун Ўзбекистон учун ҳақиқатан ҳам мустақил тараққиётимиз солномасига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган тарихий бир кундир, деб катта мамнуният билан таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги воқеанинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирганда, аввало, Қамчиқ туннели орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг маркази ва бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган ушбу темир йўл қуриб битказилиши билан Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий транспорт коммуникация тизими тўла шаклланганини, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга хурсандчилик ва ғурур-ифтихор етказади.

Юртимиз заминида кўп асрлар давомида шундай ачинарли ҳолат юзага келган эдики, халқимиз ўртасида "олтин водий" деб ном олган Фарғона водийси Қамчиқ довони туфайли Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган эди. Барча коммуникация тармоқлари, авваламбор, транспорт-логистика алоқаси қўшни давлат ҳудуди орқали амалга оширилар эди. Табиийки, бундай ноқулай ҳолат бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 10 миллиондан зиёди яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатиши бўйича жиддий муаммоларни юзага келтираётган эди.

Ўзим гувоҳ бўлганман: одамларимиз узоқ йиллар давомида Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар келишини орзу қилиб келарди. Бугун барчангизни, авваламбор, ўзбек халқини, хитойлик ҳамкорларимизни, менинг дўстим, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларини мана шундай улкан ғалаба билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиман, келинглар, мана шу залда ўтирганлар ва Қамчиқ туннели олдида йиғилган, бизни кўриб турган юртдошларимиз ва хитойлик дўстларимиз, ҳаммамиз биргаликда 1 миллиард 300 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган мамлакат раҳбарига, менга руҳан яқин бўлган, доимо ўзининг қатъияти ва матонатини намойиш этиб, айтган сўзининг устидан чиқадиган, ўз ваъдасини албатта бажарадиган Си Цзиньпин жанобларига миннатдорлик билдириб, унга катта раҳматлар айтайлик.

Миқёси ва кўламига кўра жуда улкан ва мураккаб бўлган бундай замонавий лойиҳани айнан ҳозирги кунда — мустақил Ўзбекистоннинг салоҳият ва имкониятлари янада юксалиб бораётган бир пайтда амалга оширишга эришганимиз албатта бежиз эмас.

Мазкур ноёб иншоот қурилишини муваффақиятли амалга оширганимизнинг яна бир муҳим омили замонавий туннель қурилиши учун бош пудратчи сифатида Хитойнинг дунёга машҳур "Чайна рейлвей тоннель групп" компанияси танлаб олинганидадир. Бу компания ўз зиммасидаги вазифани аъло даражада амалга оширди. Қисқа муддатда, яъни, борйўғи, 32 ой ичида асрий қоя-тошлардан иборат мураккаб тоғли ҳудудда хитойлик қурувчилар томонидан узунлиги 19,2 километрни ташкил этадиган туннель барпо этилди.

Айни шу даврда бизнинг "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятимиз, бугунги кунда барчани, бутун Ўзбекистон халқини, шахсан мени ҳайратда қолдираётган азму шижоатли қурувчиларимиз том маънода буюк ишларни амалга оширди. Ва мен уларнинг мардона меҳнатини юксак баҳолаб, мана шу туннель ва Ангрен — Поп темир йўли билан бирга бутун Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган ютуқларга муносиб ҳисса қўшгани учун барча темир йўлчиларга таъзим қиламан.

Ҳаммангизга яхши маълум, мазкур электрлаштирилган темир йўлнинг умумий узунлиги 123 километрдан иборат. Қурилиш жараёнида хитойлик ва ўзбекистонлик қурувчилар, ишчи ва муҳандислар, мутахассислар ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боргани, ўзларининг қандай мустаҳкам ирода, юксак касб маҳоратига эга эканини намоён қилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Ушбу лойиҳа доирасида 2 та вокзал, 8 та янги станция, йўловчилар платформалари, юқори қувватга эга бўлган 4 та подстанция барпо этилди. Шу билан бирга, ғоят мураккаб муҳандислик иншоотлари, умумий узунлиги 2,5 километр бўлган 19 та кўприк ва йўлўтказгичлар, 2 та галерея, электр узатиш тармоқлари ҳамда бошқа кўплаб ишлаб чиқариш ва муҳандислик объектлари бунёд этилганини таъкидлаш лозим. Энг юксак халқаро талабларга жавоб берадиган, жаҳон тажрибасида ноёб бўлган мазкур объект қурувчиларига Фарғона водийси аҳолиси, бутун ўзбек халқи номидан чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Энди, рухсатингиз билан, бу йўл биз учун қандай ривожланиш истиқболларини очиб бериши, унинг амалий аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** ушбу темир йўл тармоғининг қурилиши орқали мустақил Ўзбекистонда ягона ва яхлит темир йўл тизими шаклланиши ниҳоясига етказилиб, аҳолимизнинг учдан бир қисми истиқомат қиладиган Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаш имкони яратилди.

Шу маънода, бугун бутун Фарғона аҳли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ўзингиз тасаввур қилинг, бугунги кунда эришаётган ютуқлари билан дунё ҳамжамиятини ҳайратга солаётган давлат сифатида биз ўз ҳудудимизнинг бир қисми билан, дўст мамлакат бўлса-да, лекин ўз манфаатларига эга бўлган бошқа давлат ҳудуди орқали боғланган ҳолатда бундан кейин қандай яшашимиз мумкин эди?

**Иккинчидан,** Ангрен — Поп темир йўлининг ишга туширилиши биз учун йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилга етказишда ҳам вақтни, ҳам маблағни бир неча баробар тежаш, шунингдек, Фарғона водийсининг саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан салоҳиятини ўзлаштириш имконини беради, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Учинчидан,** ушбу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини тубдан оширади ва у келажакда халқаро транспорт коммуникациясининг энг муҳим таркибий қисмига, "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳаларидан бирининг узвий бўлагига айланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, келгусида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва шу йўналишдаги бошқа давлатлар ҳудуди бўйича янги транзит йўлларини барпо этишга тўғри келадиган бўлса, айтиш мумкинки, биз бу борадаги ишларнинг катта қисмини амалга оширишга эришдик.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши нафақат мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини кескин ошириш борасида, балки кўп йиллар давомида, айниқса, қишда тоғли йўллардан ўтишда қийналиб келган оддий одамлар учун катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, сиз, қадрли қурувчилар, Ўзбекистон темир йўлчилари, хитойлик мутахассислар, Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти мамлакатимиз аҳолисининг оғирини енгил, мушкулини осон қилдингиз.

Ҳурматли дўстлар, ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор кўрсатиб келаётгани учун бизнинг дўстимиз — Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга, барча Хитой ва Ўзбекистон қурувчилари, лойиҳачилар, муҳандислар, темир йўлчиларга яна бир бор ташаккур айтмоқчиман. Шунингдек, мамлакатимиз транспорт тизимини бутунлай ўзгартирган ва Ўзбекистон халқи учун шундай катта қулайлик яратган бугунги тарихий воқеа билан сизларни яна бир бор самимий табриклаб, бундай улкан лойиҳани амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшган барча-барча инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ АНГРЕН — ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, ҳурматли вазирлар, хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан биргаликда Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли туннелининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Авваламбор, барчангизни Хитой ҳукумати, халқи ҳамда шахсан ўз номимдан мазкур туннелнинг расмий очилиши билан табриклайман. Хитой ва ўзбек муҳандислари, мутахассислари, қурувчиларига ва умуман, ушбу лойиҳани амалга оширишда қатнашган барча инсонларга самимий ташаккуримни етказмоқчиман.

Юксак даражада амалга оширилган ушбу лойиҳа учун барчангиздан миннатдорман.

Ғоят муҳим инфратузилмага эга бўлган лойиҳа сифатида барпо этилган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли Ўзбекистон темир йўл тармоғини такомиллаштиришда, Фарғона водийсининг бошқа ҳудудлар билан транспорт алоқасини яхшилашда, шунингдек, бутун Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Қамчиқ туннели Ангрен — Поп темир йўлининг энг муҳим бўғини ҳамда қурилиш лойиҳасининг мураккаб қисми ҳисобланади. Гап унинг узунлиги ва муҳандислик нуқтаи назаридан бошқа мураккаб хусусиятлари тўғрисида бормоқда. Хитой ва Ўзбекистон мутахассислари уч йил давомида ҳамжиҳатлик билан биргаликда самарали меҳнат қилишди, катта жасорат кўрсатиб, барча қийинчиликларни енгиб ўтишди ва шу тариқа Марказий Осиёда энг узун темир йўл туннелининг қурилиши муваффақиятли амалга оширилди. Бу иншоот "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳасининг қурилиши соҳасида Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан ютуғи бўлди. Шу билан бирга, бу лойиҳа халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Йўл-транспорт соҳасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу икки томонлама ҳамкорлигимизнинг устувор асосидир. Биз Ўзбекистонга минтақавий транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳал қилувчи бўғин сифатида муҳим аҳамият қаратамиз ва бу борада ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликни оширишдан, икки мамлакатни ривожлантириш йўлида қулай шароит яратиш учун ушбу ҳудудда инфратузилмалар бўйича ўзаро алоқаларни мунтазам ривожлантириб боришдан манфаатдормиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, вазирлар, хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Хитой ва Ўзбекистон биринчи навбатда самимият ва ўзаро ишонч руҳини қадрлайдиган қўшнилар, яқин дўст ва ишончли шериклардир. Ўтган 24 йил мобайнида ўрнатилган алоқаларимиз, икки томонлама ҳамкорлигимиз юксалиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, 2013 йили мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик алоқалари ўрнатилганидан сўнг Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Ўзаро сиёсий ишонч, манфаатли стратегик ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Бу йўлда катта ютуқларга эришилди. Бугун эрта тонгдан ўзаро мулоқотларимизни давом эттириб, Ўзбекистон Президенти билан икки томонлама муносабатларимизни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтаришга қарор қилдик. Бундан кейин ҳам икки халқ фаровонлиги йўлида улкан ютуқларга эришиш учун ўзбек дўстларимиз билан биргаликда ҳамкорлигимиз ривожига ўзимнинг куч-ғайратимни сарфлашга тайёр эканимни билдирмоқчиман. Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги замирида бутун бир келажак мужассамдир. Ҳамкорлигимиз кўлами янада кенгайиб, унинг истиқболи ёруғ бўлади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ СОЛНОМАСИДА ЁРҚИН САҲИФА

**Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида асримизнинг беқиёс ва улкан лойиҳаси сифатида эътироф этилаётган, узунлиги 123,1 километрлик Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда 19,2 километрлик Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши Истиқлол яратган тенгсиз мўъжизалардан бири бўлди.**

Гап шундаки, Фарғона водийси мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан яна бир муҳим омил — темир йўл орқали боғланди. Бу — яхлит транспорт-коммуникация тизими яратилди, деганидир.

ФАХР

Шу кунларда водий шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз ниҳоятда кўтаринки кайфият ила яшамоқда. Чунки янги темир йўл нафақат уларнинг узоғини яқинлаштиради, балки Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятлари иқтисодиётининг ҳар бир тармоғи тараққиётини жадаллаштириши билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

(Давоми 4-бетда).






МУНОСАБАТ

Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Президентимиз Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг парламентга ташрифи, сўзлаган нутқлари олий қонун чиқарувчи орган ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди.

## МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Зеро, бугунги кунда Хитой улкан иқтисодий, инновацион-интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳон иқтисодиёти ҳамда сиёсатида ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик, ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси ўз нутқида Ўзбекистоннинг бой тарихи ҳамда маданиятига ҳурмати баландлигини қайд этиб, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди. Хусусан, "Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва изчил иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ортмоқда", деган сўзлари ҳар биримизда юксак ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини уйғотди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари алоҳида кўрсатиб ўтганидек, кеча биз Хитой қўлга киритган ютуқларга ҳавас қилган эдик. Чунки кеча Хитойда ўсиш суръатлари ҳаммани ҳайратга солганди. Бугун биз ҳам бу борадаги марраларимиз билан ғурурлана оламиз.

(Давоми 2-бетда).



## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламентда кўпчиликни ташкил қилувчи Демократик кучлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган янги таҳрирдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.*

# ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН НУҚТАИ НАЗАРИНИ БАЁН ЭТДИ

Депутатлар қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойиллари, тегишли давлат органлари ва муассасаларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштирокига оид нормаларнинг кўзда тутилаётгани мазкур қонун аҳамиятини янада оширишини алоҳида таъкидладилар.

Энг асосийси, ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш усуллари, ёввойи ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларини асрашга асосий талаблар, ёввойи ҳайвонлар, уларнинг яшаш муҳитини сақлашга доир нормалар аниқ белгилаб қўйилаётганлиги қонунни амалиётда тўғри ҳамда самарали қўллашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Демократик кучлар блоки аъзолари мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан амалга оширилган ишларни маъқулладилар.

Йиғилишда депутатларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилиб, Демократик кучлар блокининг позицияси белгилаб олинди. Биринчидан, давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йил 23 январь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, “Ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга”. Шу нуқтаи назардан, Демократик кучлар блоки вакиллари “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни соҳада тўпланган тажриба ҳамда амалиётни унда акс эттирган ҳолда, янги таҳрирда қабул қилишни тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Иккинчидан, қонун қабул қилинадиган бўлса, ҳуқуқий ҳужжат Президентимиз томонидан белгилаб берилган социал-иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қўмита томонидан билдирилаётган таклифларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, баъзи бир масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтдилар.

Хусусан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида илмий фаолиятни ривожлантириш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ҳайвонот дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ҳамда ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш нафақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, шу билан бир қаторда, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилишини белгилаш бугунги кунда республика ва маҳаллий даражада мавжуд бўлган табиатни муҳофаза қилиш фондлари маблағлари ҳамда бошқа маблағлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Блок аъзолари таъкидлаб ўтганларидек, ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш лозим.

Йиғилиш якунида Демократик кучлар блокининг позицияси ишлаб чиқилди ҳамда масъул қўмитага қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича тавсиялар бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

# МУХОЛИФ ФРАКЦИЯЛАР ПАРЛАМЕНТДАГИ БЛОКНИНГ ТАКЛИФЛАРИГА НИСБАТАН ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БИЛДИРДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мухолиф фракцияларнинг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.*

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси**нинг йиғилишида таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида барқарор ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан, шу жумладан, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган изчил ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Амалдаги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар эса биологик хилмахилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонларнинг генофондини комплекс муҳофаза этиш нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга ҳамда қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашни назарда тутганлиги билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фракциянинг таклифлари билдирилди. Хусусан, фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёси объектлари билан республикамиз ҳудудида савдо қилиш ва мамлакатимиз ҳудудига зоология коллекцияларини олиб киришга оид муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ҳам назарда тутиш лозим.

Шу билан бирга, депутатлар Демократик кучлар блоки томонидан қонун лойиҳасининг айрим нормаларига билдирилган таклифларга нисбатан ўз нуқтаи назарларини баён этдилар. Хусусан, ҳайвонот дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ҳамда ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш ишларини фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш зарурлигини, табиатни муҳофаза қилиш фондларининг маблағларидан эса бошқа мақсадлар учун фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди.

Тадбирда фракция аъзолари қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланишни, уларнинг яшаш жойлари ҳолати яхшиланишини таъминлаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқ ҳамда бошқа имтиёзлар бериш масаласига оид норманинг белгилаб қўйилиши табиатни асраш, ундан оқилона фойдаланишда муайян бир даромад манбаи ёки иқтисодий наф келтирувчи омил сифатида қўлланилишига имкон яратишини инобатга олиб, ушбу моддани лойиҳадан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлашди.

Йиғилиш сўнгида фракциянинг позицияси ишлаб чиқилди ва масъул қўмитага қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан тавсияларни тақдим этиш бўйича қарор қабул қилинди.

* * *

**“Адолат” СДП фракцияси** йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасида кўзда тутилган янги меъёрлар халқаро принцип ҳамда стандартларга мос равишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳайвонот дунёсига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш борасидаги масъулиятини янада оширишга, ёш авлодни табиатни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари партия Сайловолди дастурида атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ҳамда ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш орқали барқарор ривожланишга эришиш асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланганлигидан келиб чиқиб, ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш зарурлиги ҳамда ушбу қонунни қабул қилиш жараёнида бошқа қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги юзасидан ўз таклифларини билдирдилар. Хусусан, фракция аъзолари бу борада Демократик кучлар блокининг фикрларига қўшилмасликларини, яъни ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ҳамда ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашнинг ўзи етарли эмаслигини, табиатни асраб-авайлаш ҳар бир шахснинг конституциявий бурчи эканлигини, табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мақсадларига ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтирмасдан туриб эришиб бўлмаслигини таъкидлашди. Депутатларнинг фикрича, жавобгарликнинг кучайтирилиши, ўз навбатида, қонун талабларининг сўзсиз бажарилишини ва уларга оғишмай амал қилинишини таъминлашга, ҳар бир шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатига мутаносиб жазо муқаррарлиги билан ҳуқуқбузарликлардан тийилишига замин яратади.

Бундан ташқари, лойиҳада қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси объектлари, ёввойи ҳайвонларни ноқонуний тутиш қуроли ҳамда воситалари, шу жумладан, транспорт воситалари олиб қўйилиши ёки мусодара этилиши, шунингдек, ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳити ҳолатини мунтазам кузатиб бориш, унда юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда прогноз қилиш, яъни ҳайвонот дунёси мониторинги қайси ваколатли ташкилот ёки муассаса томонидан қандай тартибларда амалга оширилишини аниқ белгилаш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида фракциянинг позицияси белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Чунки бундан йигирма беш йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда “ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ҳамда ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда. Пировардида мамлакатимизнинг қудрати ҳамда иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётир. Иқтисодиётимиз эса қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди.

Дарҳақиқат, бундай натижа ва муваффақиятлар Ўзбекистонни бугун дунё аҳли эътибори ҳамда эътирофидаги буюк давлатга айлантирди. Янада қувонарлиси, Юртбошимизнинг минтақада ва халқаро миқёсда тинчликни, хавфсизликни таъминлаш, башариятга таҳдид солаётган хатарларга қарши курашиш, умумий тараққиёт ҳамда фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган таклиф ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Шу боисдан ҳам нуфузли экспертлар Тошкентни ҳақли равишда “Осиёнинг сиёсий пойтахти”, деб аташмоқда. Буни ХХР Раисининг парламентимиздаги нутқи, қолаверса, дунё сиёсатида янги саҳифа очган ШҲТнинг Тошкент саммити мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида мустақилликнинг йигирма беш йиллигини нишонлашга кенг ҳозирлик кўрилаяпти, одамлар байрам шукуҳи билан яшамоқда. Бу кайфият биз, парламент аъзоларидан эришилган ютуқ ҳамда марраларни чуқур таҳлил қилиш асносида мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда янада фаол бўлишни, жонбозлик, фидойилик кўрсатишни талаб этади. Зотан, давлатимиз раҳбари парламентдаги учрашувда ҳаммамизнинг олдимизда ўта муҳим ва долзарб масалалар турганлигини, халқ вакиллари одамлар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, халқнинг биз, депутат ҳамда сенаторлардан умиди катта, бизга овоз берган халқ амалий ишларни кутади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисида таъкидлаганидек, “сенаторлар, шуни яхши тушуниб олишингиз керакки, биринчи навбатда сизларга ишонч билдириб, депутат этиб сайлаган ўз сайловчиларингиз олдида масъул ва жавобгарсиз... Шу маънода, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишда Сенатнинг ўрни ва аҳамияти, шу билан бирга, масъулияти нечоғли катта эканини доимо ёдда сақлашингиз лозим. Чунки биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдавлат манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради”.

Сенаторларимиз, албатта, қонунчиликда белгиланган барча ваколатдан, айниқса, парламент назорати, шу жумладан, парламент эшитувлари, сенатор сўрови институтларидан самарали фойдаланиш борасидаги фаолиятларини янада кучайтирадилар.

**Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## ДИЛ СЎЗИ

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги биз, журналистлар, матбаа соҳаси вакилларига кўтаринки кайфият, юксак ғурур бағишлади.

# ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирган бир пайтда касб байрамимиз кенг тантана қилингани кўнгилларга ўзгача қувонч улашди.

Президентимиз ўз табригида миллий матбуотимиз вакилларининг мамлакатимиз ҳамда дунёда бўлаётган янгиликларни тезкорлик билан етказиш борасидаги фаолиятига юқори баҳо берди. Шу билан бирга, миллий журналистикамизни янада ривожлантиришга доир таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Табрикда таъкидланганидек, “Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бир-биридан ўткир ва долзарб саволларни қўяётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информацион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас”.

Дарҳақиқат, бугун оммавий ахборот воситалари айнан ана шу чақирувларга тайёр бўлиши, ёш авлодни турли-туман ахборот хуружларидан ҳимоя қилиши, тинчлик ҳамда омонликни кўз қорачидек асраб-авайлашга чорлаши, аҳиллик, якдиллик ғояларини кенг тарғиб этиши, ҳар бир жабҳадаги янгиланишларнинг туб моҳиятини теран, асосли тарзда очиб бериб, халқимизга тўғри ва ҳаққоний маълумотларни тезкор ҳамда холис етказмоғи зарур ва шарт.

Демак, бунинг учун фаолиятимизни тубдан ислоҳ этишимиз, энг замонавий услуб ҳамда шакллардан моҳирона фойдаланишимиз талаб қилинади. Биргина бизнинг телевидениемиздаги техник имкониятлар ҳозирги пайтда жаҳондаги кўплаб телеканаллардагидан кўра минг чандон зиёдроқдир. Хусусан, кейинги йилларда Нукус телемарказида амалга оширилган кенг кўламли модернизациялаш ишларидан сўнг “Қорақалпоғистон” телеканалида тайёрланаётган кўрсатувлар сифати тубдан ўзгарди. Компьютерлаштирилган рақамли ускуналар келтириб, ўрнатилди. Пировардида кўрсатув тайёрлаш жараёни бир жойда бажариладиган, бу орқали журналистларнинг ҳам вақти тежаладиган бўлди. Мазкур техника воситаларини моҳирона бошқара оладиган ходимлар, ёш журналистлар сафимизга келиб қўшилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасида “Эркин фикр”, “Масъулиятга назар”, “Муносабат” каби янги кўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.

Табрикда айтилганидек, “...маънавиятни асраш — инсонни, аввало, ёш авлодимизни, келажагимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, муҳтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши — маърифатни қурол қилиб, қатъият билан иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда”.

Бу фикрлар ҳар биримизни ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси билан яшаш, шу элнинг фидойи ва жонкуяр фарзанди сифатида унинг шаъни ҳамда манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, айни пайтда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўрганиб, ривожланган давлатлар оммавий ахборот воситаларидан кам бўлмаган даражага кўтарилишга ундайди.

Юртбошимизнинг табрикдаги “...сизларнинг эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим ва маслакдошларим деб билишимни такроран айтмоқчиман”, деган сўзлари бизни янада тўлқинлантириб юборди. Биз она-Ватан хизматига бутун истеъдодимизни, ғайрат-шижоатимизни бағишлаб, фаол ишлашимиз даркор. Фаолиятимизнинг муҳим дастуриламали бўлган ушбу табрикни қайта-қайта ўқиб, ана шундай хулосага келдик. Ўйлаймизки, барча ҳамкасбларимиз ҳам худди шу фикрда.

**Базарбай ЕСМУРЗАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон» телеканали «Хабар» муҳарририяти шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

## ИНТИЛИШ

*Жондор туманидаги “Шижоат текстиль” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган сочиқ ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидоргир бўлиб бораяпти.*

# Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга

Бунга корхона цехлари замонавий технологик линиялар билан жиҳозланганини туфайли эришилмоқда. Биргина ўтган йили бу ерда 2 миллиард 550 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказилди. Кичик бизнес жамоаси бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Улар маҳсулот дизайни ва сифатини янада яхшилаб, корхонанинг ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлашни мақсад қилган.

Айтиш ўринлики, вилоятда енгил саноат тизимида амалга оширилаётган дастурлар ўз самарасини бераётир. Чунончи, 2008 йилда соҳада 247 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2015 йилга келиб, мазкур кўрсаткич уч баробар кўпайди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

## махсус индустриал-иқтисодий зоналарга бўлган қизиқишни тобора оширмоқда

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий тараққиёти яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорлару сармоядорларга берилаётган имтиёз ҳамда имкониятларга бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, чет эл инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилиш, бунинг учун индустриал-иқтисодий зоналарни ривожлантириш жадал давом эттирилмоқда.

## БОЖХОНА ТИЗИМИ

Бунда 1996 йилда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти. Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги, 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ҳамда 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги фармонларига биноан, индустриал зоналар ташкил қилинди. Унинг қатнашчилари бир неча турдаги солиқ ҳамда божхона тўловларидан озод этилгани эса нафақат халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда, балки дунёдаги энг нуфузли ишлаб чиқарувчиларни ҳам ўзига жалб қилаяпти.

— Дарҳақиқат, эркин иқтисодий ҳудудларда маҳаллий ва хорижий сармоядорларга пул-кредит, солиқ ҳамда божхона йўналишида имтиёзлар “пакети” тақдим этилаётгани, шунингдек, зарур бўлган барча инфратузилма яратилаётгани ижобий самарасини бераяпти, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи Дониёр Юсупов. — Натижада ушбу ҳудудларда янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, маҳсулотлар тури ва иш ўринлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон сингари давлатлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилиб, автомобиллар учун зарур бутловчи буюмлар ҳамда эҳтиёт қисмлар, телевизор тюнерларию модемлар, мобиль телефон, смартфонлар, планшету ноутбуклар, ёруғлик диодли лампалар, юқори кучланишга эга чидамли кабеллар сингари ноозиқ-овқат буюмларини ишлаб чиқариш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, ўраш ва сақлашга ихтисослаштирилган 23 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мазкур ҳудудга бугунги кунга қадар 122 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлса, унинг 35 фоизи хорижий сармоялар эканлиги ҳам диққатга сазовор. Албатта, ушбу жараёнда ҳудуд субъектлари учун жорий этилган божхона имтиёзларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Дейлик, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан экспортга маҳсулот тайёрлаш мақсадида хориждан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, хом ашё ҳамда бутловчи буюмлар 30 йил муддатга (ушбу муддат узайтирилиши мумкин) божхона тўловларидан озод қилинган.

Бундан ташқари, ички бозорларда сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хориждан олиб келинадиган хом ашё ва материал учун божхона тўловлари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида ундирилиши, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкинлиги белгиланган.

Индустриал зонада тайёрланган товарлар мамлакат ҳудудида сотилган ҳолларда, бундай товарларни ишлаб чиқариш учун импорт қилинган хом ашё ҳамда материаллар божхона тўловларидан қисман, яъни 50 фоизга озод қилинади. Шунингдек, маҳсулотлар хорижий давлатларга чиқарилган тақдирда эса, импорт товарлар божхона тўловларидан тўлиқ озод этилади.

Бундай имтиёзлар натижасида ўтган йили саноат ҳудудида қарийб 150 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, шундан 5,1 миллион АҚШ доллариликдан ортиғи чет эллик харидорларга етказиб берилди. Қолаверса, ўтган йили биргина “Навоий” ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар 26,8 миллиард сўм миқдорида божхона имтиёзларидан фойдаланди.

Эътиборлиси, бу каби имкониятлардан “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зонасидаги саноат субъектлари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Мазкур ҳудудларга берилган божхона имтиёзларига бир оз бошқача ёндашилган. Чунончи, “Навоий” ЭИИЗ субъектлари учун жорий қилинган божхона имтиёзлари кўпроқ экспортни ривожлантиришга қаратилган. “Ангрен” ҳамда “Жиззах” махсус индустриал зоналарида татбиқ этилган имтиёзлар эса чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишга йўналтирилган. 2015 йили “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида рўйхатга олинган хўжалик субъектларига божхона тўловларидан жами 161,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзлар берилди. Шу йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич мос равишда 32,2 миллиард ҳамда 44,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Қисқача айтганда, индустриал-иқтисодий зоналарда ҳаётга татбиқ этилаётган бу каби енгилликлар иқтисодиётимизни ривожлантириш баробарида, бандликни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британиянинг “BP” нефть компанияси томонидан дунё мамлакатларидаги “қора олтин” захиралари бўйича навбатдаги ҳисобот эълон қилинди.*

## Захиралар бўйича ҳисобот



Унга кўра, дастлабки учликдан Венесуэла (300,9 миллиард баррель), Саудия Арабистони (266,6 миллиард баррель) ҳамда Канада (172,2 миллиард баррель) ўрин олди.

Истеъмол прогнозлари бўйича эса АҚШ ва Хитой етакчилик қилмоқда.

## Даромад ва жарима

*АҚШнинг “Bank of America” банки ҳукуматга 415 миллион доллар жарима тўлашини маълум қилди.*



Сабаби, мазкур молия муассасаси бўлимларидан бири қимматбаҳо қоғозлар комиссияси қоидаларини бузганлиги ҳамда омонатчилар маблағларини турли транзакцияларда захира сифатида ишлатганини тан олди. Бундай таваккалчилик, банк раҳбарияти бахтига, катта даромад келтирган. Агар муваффақиятсизликка учралганда, мижозларнинг катта миқдордаги омонатлари йўқотилган бўларди. Бу ҳақда “The Wall Street Journal” нашри хабар тарқатди.

## Географияси кенгаяди

*Дунёга машҳур косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Revlon” компанияси соҳадоши “Elizabeth Arden” фирмасини 870 миллион долларга харид қилаётганини билдирди.*

У ҳар бир дона акцияни 14 доллардан сотиб олади ҳамда фирманинг қарзларини ҳам тўлайди. Ўз навбатида, истиқболдаги лойиҳалар учун 1,8 миллиард доллар миқдорида кредитлар йўналтиради. Шу асосда харидор товарлари етказиб бериладиган ҳудудлар географиясини кенгайтириб, йиллик сотув ҳажмини 3 миллиард АҚШ долларигача чиқаришни режалаштирган.

## Энг тезкор электромобиль

*Швейцарияда талабалар томонидан тайёрланган, дунёдаги энг тез ҳаракатланадиган электромобиль намойиш этилди.*



“Grimsel” номли мазкур автоулов 1,513 сонияда 100 километр/соат тезликка чиқа олади. Бундай ижобий натижага унга ўрнатилган кучли мотор ва жуда енгил вазн эвазига эришилди. Гап шундаки, ушбу электромобилнинг корпуси оғирлиги, бор-йўғи, 167 килограммга тенг.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

## «АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АҲОЛИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ» МАВЗУИДА

**ННТлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:**

1. Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги соҳасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳақида аҳоли хабардорлигини, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда улар фаоллигини юксалтириш.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳияти, энг муҳим нормалари, жамоат экологик назоратини амалга ошириш, экологик назорат жамоат инспекторларининг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

3. Экологик таълимни ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб қилиш.

4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилиши юзасидан кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали унинг олдини олиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шароитларни шакллантириш.

6. Аҳолининг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллалар ҳудудида санитария-экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги аҳоли фаоллигини ошириш, шу жумладан, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш.

7. Корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасаларида муқобил энергия манбалари, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологиялар жорий этилиши ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар такомиллаштирилишини тарғиб қилиш.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш учун зарур шароитларни шакллантириш, аҳоли саломатлигига, ёшларнинг тарбиясига унинг салбий таъсирини бартараф этиш, жамиятда соғлом авлодни тарбиялашни ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш.

9. Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, Оролбўйи ҳудудининг, мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш.

10. Ўзбекистонда экологик туризмни, экосайёҳлик фаолиятининг ахборот ва инфратузилмавий таъминотини ривожлантириш, экосайёҳлик йўналишларини ташкил этиш, республика аҳолиси орасида экотуризмни оммалаштириш.

11. Экологик журналистикани ривожлантириш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мақолалар сифатини ошириш, интернетда Ўзбекистон табиатининг такрорланмас гўзаллиги ҳамда хилма-хиллиги, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги махсус манбаларни яратиш.

12. Ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини кўпайтириш ҳамда муҳофаза қилишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

13. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг энергияни иқтисод қилиш ва ресурс тежайдиган технологияларнинг муҳимлиги масалаларига бўлган дунёқараши ҳамда муносабатини тубдан ўзгартириш мақсадида тарбиявий-маърифий ишларни кенгайтириш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 10 июлгача қабул қилинади.

*Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.*

*Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.*

*Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.*

---

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

## «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКА ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» МАВЗУИДА

**ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:**

1. **“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон халқига миллий давлатчилик ва онгни, анъаналар ҳамда урф-одатларни тиклаш, буюк сиймоларнинг номларини шарафлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича чексиз имкониятлар тақдим этган мустақилликнинг аҳамиятини очиб берадиган махсус теледастурлар, мақолаларни тайёрлаш.

3. Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ҳамда элатларнинг азалий миллий анъаналари, урф-одатларию удумларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

4. Тараққиёт йўлининг бешта тамойилига асосланган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган “ўзбек модели”нинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган таҳлилий материаллар туркумини чоп этиш.

5. Ўзбекистонда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилишини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш.

6. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини акс эттирувчи холисона ва ишончли ахборотни инглиз ҳамда бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида ихтисослашган сайтларни ишлаб чиқиш ва интернетда жойлаштириш.

7. Турли тилларда Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, етук шахслари, мустақиллик йилларида жамоат ҳаётининг турли соҳаларида республика эришган ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва интернетдаги ихтисослашган энциклопедик манбаларда жойлаштириш.

8. Хорижий аудитория орасида Ўзбекистон халқлари номоддий маданий мероси (халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий ошхона ва бошқалар)ни оммалаштириш.

9. Интернет тармоғида Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирадиган ноёб экспонатларга оид ахборот материалларини тарқатиш.

10. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гўзаллиги ҳамда хилма-хиллигига жалб қилишга қаратилган фото-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза.

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

*Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035,Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.*

*Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.*

*Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.*

---

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 28 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2182,87 | 1 Исландия кронаси | 23,54 | 1 СДР | 4115,16 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3944,24 | 1 Канада доллари | 2255,87 | 1 Туркия лираси | 999,38 |
| 1 Дания кронаси | 436,78 | 1 Хитой юани | 443,46 | 1 Швейцария франки | 3024,21 |
| 1 БАА дирҳами | 801,42 | 1 Россия рубли | 44,92 | 1 евро | 3334,25 |
| 1 АҚШ доллари | 2943,46 | 1 Украина гривнаси | 118,34 | 10 Жанубий Корея вони | 24,92 |
| 1 Миср фунти | 331,47 | 1 Малайзия ринггити | 717,22 | 10 Япония иенаси | 288,97 |
| | | 1 Польша злотийси | 731,80 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

---

ЭЪЛОНЛАР


## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан, 2016/2017 ўқув йили учун қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.**

**БАКАЛАВРИАТ**

| Таълим йўналишлари коди | Таълим йўналишлари |
|---|---|
| 5150100 | Бастакорлик санъати |
| 5150201 | Санъатшунослик: мусиқашунослик |
| 5150500 | Дирижёрлик: |
| 5150501 | Дирижёрлик: хор дирижёрлиги |
| 5150502 | Дирижёрлик: опера-симфония дирижёрлиги |
| 5150600 | Вокал санъати: |
| 5150601 | Вокал санъати: академик хонандалик |
| 5150602 | Вокал санъати: анъанавий хонандалик |
| 5150603 | Вокал санъати: эстрада хонандалиги |
| 5150700 | Чолғу ижрочилиги: |
| 5150701 | Чолғу ижрочилиги: фортепьяно (орган) |
| 5150702 | Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар |
| 5150703 | Чолғу ижрочилиги: ёғоч-дамли чолғулар |
| 5150704 | Чолғу ижрочилиги: мис-дамли ва зарбли чолғулар |
| 5150705 | Чолғу ижрочилиги: мизробли халқ чолғулари |
| 5150706 | Чолғу ижрочилиги: камонли ўзбек халқ чолғулари |
| 5150707 | Чолғу ижрочилиги: дамли ва урма халқ чолғулари |
| 5150708 | Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғулар |
| 5150709 | Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари |
| 5151400 | Техноген санъат: мусиқий овоз режиссёрлиги |

*Ҳужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.*

**МАГИСТРАТУРА**

| Мутахассисликлар коди | Мутахассисликлар |
|---|---|
| 5А150101 | Бастакорлик санъати |
| 5А150202 | Мусиқа санъати |
| 5А150501 | Дирижёрлик: хор дирижёрлиги |
| 5А150601 | Вокал санъати: анъанавий хонандалик |
| 5А150701 | Фортепьяно (орган) |
| 5А150702 | Чолғу ижрочилиги: |
| 5А150702 | Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар |
| 5А150702 | Чолғу ижрочилиги: халқ чолғулари |
| 5А150702 | Чолғу ижрочилиги: пуфлама ва зарбли чолғулар |
| 5А150702 | Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари |

*Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 244-53-20, 244-61-57.**

969А/434



**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖда 2016 йил 22 июнь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаси**

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 3 майдаги 85 (6520)-сонида чоп этилган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, Ойбек маҳалласи, Ирригатор кўчасида жойлашган, ер майдони 0,238 гектар, бино майдони 1163,15 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган дам олиш маскани (ғиштдан қурилган 1 қаватли бино), бошланғич баҳоси — 565 000 000 сўм, сотилиш баҳоси — 589 000 000 сўм.

*Хизматлар лицензияланган.*

973А/180



## НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

**I. Кафедра мудири:**

1. Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси.
2. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар.
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
5. Металлургия.
6. Кимёвий технология.
7. Ўзбек ва чет тиллар.

**II. Қуйидаги кафедралар бўйича профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлар:**

**Кончилик иши:** профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

**Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:** профессор — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси:** профессор — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Ўзбек ва чет тиллар:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин , ассистент — 1 ўрин.

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Иқтисодиёт ва менежмент:** профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Металлургия:** катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Кимёвий технология:** катта ўқитувчи — 1 ўрин.

**Олий математика:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.

**Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув:** доцент — 1 ўрин.

**Электр энергетикаси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

**Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш:** ассистент — 1 ўрин.

**ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**бўйича вакант ўринлари:**

**I. Кафедра мудири:**

1. Кончилик иши.
2. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.
3. Металлургия ва кимёвий технология.

**II. Қуйидаги кафедралар бўйича профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлар:**

**Кончилик иши:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**Металлургия ва кимёвий технология:** профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**бўйича вакант ўринлари:**

**I. Кафедра мудири:**

1. Ижтимоий-гуманитар фанлар.

**II. Қуйидаги кафедралар бўйича профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлар:**

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** доцент — 1 ўрин.

***Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:***

1. Ректор номига ариза.
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумот тўғрисида диплом нусхаси.
4. Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестациялар нусхалари.
5. Илмий-услубий ишлар рўйхати.
6. Малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар.

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

**Манзил: Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй, Навоий давлат кончилик институтининг ўқув-услубий бўлими. Мурожаат учун телефон: (0-436) 770-29-40.**

979А/440

# МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ СОЛНОМАСИДА ЁРҚИН САҲИФА

Ангрен — Поп темир йўлининг ишга туширилиши биз учун йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилга етказишда ҳам вақтни, ҳам маблағни бир неча баробар тежаш, шунингдек, Фарғона водийсининг саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан салоҳиятини ўзлаштириш имконини беради, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Ислом КАРИМОВ**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*Довон оша электрлаштирилган темир йўлда "Ўзбекистон" поезди ҳаракатланиб, Марказий Осиёдаги ягона туннелдан ўтиш жараёни байрамона тус олгани, ушбу тарихий воқеа бутун халқимизнинг қалбида ғурур ва ифтихор, битмас-туганмас завқу шавқ туйғуларини жўш урдирганига куни кеча барчамиз гувоҳ бўлдик.*

*Мазкур унутилмас тарихий воқеа иштирокчиларининг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари эса буни яна бир карра тасдиқлаб турибди.*

## Бунёдкорлик ва азму шижоат намунаси




**Тоҳиржон ҲАСАНОВ, "Нуроний" жамғармаси Наманган тумани бўлими раиси:**

— Бугун наманганликлар янги темир йўлнинг меъмори ҳамда унинг бунёдкорлари шаънига тасаннолар айтмоқда. Ахир мустақилликдан аввал бундай улкан иншоотнинг қурилишини одамлар ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Сабаби, "пўлат из"лар ётқизилган жойлардан илгари автоулов тугул, арава ҳам юролмасди-да!

Бу ноёб иншоотга Наманганнинг Чодак қишлоғидан қарасангиз, унинг нақадар маҳобатли эканлигига комил ишонч ҳосил қиласиз. Темир йўл бамисоли тоғ чўққиларини бирлаштириб тургандек тасаввур уйғотади кишида.

Маълумки, бугунги кунга қадар Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимиз маркази ва бошқа ҳудудлари билан Қамчиқ довонидан ўтган ягона автомобиль йўли боғлаб турар эди. Ундан кунига ўртача 20 мингта транспорт воситаси ҳаракатланиб, йилига 100 миллион тонна атрофида халқ хўжалиги юклари ташилган бўлса-да, қиш ойларида бу ерда қатнов қийинлашиб, йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам ноқулай шароитларда қолганидан кўз юмиб бўлмайди.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши эса бу каби овoрагарчиликларнинг барчасига чек қўяди. Айниқса, ҳисоб-китобларга қараганда, эндиликда автомобиль йўли орқали юк ташиш ҳажми 2 баробар камайиши, юк ташиш тарифлари эса 4 марта қисқариши диққатга сазовордир.

**Тўлашмирза РАҲМОНЧАЕВ, Норин туманилик меҳнат фахрийси:**

— Мустақиллик йилларида халқимиз қўлга киритаётган ютуқлар, кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар аҳамияти ҳамда қадр-қиммати бундан 25 — 30 йил аввалги ҳолат билан таққосланганда кўзга янада яққолроқ ташланади. Мисол учун, биргина транспорт инфратузилмаси соҳасидаги янгиланишларни олиб кўрайлик. Биз, кекса авлод вакиллари яқин ўтмишда мазкур жабҳада аҳвол қанчалик аянчли бўлганлигини яхши эслаймиз. Энди-чи? Улкан иншоотлар саноқли ойлар ичида бунёд этилаяпти. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли бунинг ёрқин исботидир.

"Шарқ ва Ғарбни боғловчи робита", деб таърифланаётган янги темир йўл қурилиши халқимизнинг айни дилидаги иш бўлди. Ишончим комилки, орзуларимиз ижобати бўлган мазкур иншоот Юртбошимиз раҳнамолигида буюк давлат қураётган ўзбек халқининг жасорати рамзи сифатида тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиб қолажак.

**Шамшидинхўжа САИДАҲМЕДОВ, "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" УШК директори:**

— "Аср қурилиши" сифатида эътироф этилаётган янги темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши Фарғона водийси вилоятларининг иқтисодиётини ривожлантириш, саноат салоҳиятини янада юксалтиришда беқиёс аҳамиятга эга. Жумладан, у заводимизга катта иқтисодий самара келтиради. Аввало, хом ашёни ташиш харажатлари сезиларли даражада камайиб, ишлаб чиқариш қуввати кескин ошади. Далилми? Ҳозирги кунда Қамчиқ довонидан транспорт орқали 1 тонна маҳсулотни ташиш таннархи 41 долларга тушаётган бўлса, темир йўлнинг ишга туширилиши туфайли бу кўрсаткич салкам икки баробар арзонлашади. Энг муҳими, маҳсулотнинг экологик жиҳатдан тозалиги сақланиб қолади.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, янги темир йўл шарофати билан юк ташиш муддати икки баробар қисқариб, 8 соатни ташкил этса, транспорт харажатлари 4 баробар камаяди. Бу каби иқтисодий самаралар нафақат вилоятимиз, балки бутун водий минтақаси ҳаёти мисолида таҳлил қилинса, ҳайратимиз ошиб, мустақиллик берган имкониятларга шукроналар айтишимиз турган гап.

**Муҳаммадали ЮНУСОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси:**

— Мамлакатимизда Ангрен — Поп темир йўлини бунёд этиш лойиҳаси тасдиқланганида фарғоналиклар бир қувонган бўлса, унинг қуриб битказилганини кўргандан сўнг эса ўн чандон севинди. Шунинг учун бугун ҳамманинг тилидаю дилида бир гап: ушбу ғоя ижодкори, уни амалга оширишга бош-қош бўлган Президентимизга минг раҳмат!

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, замонавий темир йўлнинг атиги уч йилда ишга туширилиши Ўзбекистон нечоғли буюк давлат эканини, унинг халқи эса қанчалик қудрат ва салоҳиятга эгалигини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намойиш қилди.

Холисона айтганда, темир йўл бўйлаб баландлиги 50, узунлиги 500 метрлик ёйсимон кўринишдаги ноёб бир нечта кўприкни барпо этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Темир йўлчиларимиз нафақат бунинг уддасидан чиқишди, балки яна 285 та сунъий иншоот ҳамда сув ўтказиш қувурлари, 6 та йўлўтказгич, 4 та станция, шунча разъезд ва 2 та вокзал биносини ҳам халқимизга тортиқ қилишди.

Шу тариқа Осиё ҳамда Европани боғловчи кўприк, икки минтақа ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ноёб объект вужудга келдики, бу ўзбек халқининг ифтихорига айланиши муқаррардир.

**Хайри МИРЗАЖОНОВА, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қумовул" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**

— Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли орқали тезюрар поездда янги туннелгача борарканмиз, ишонасизми, худди текис йўлдан бемалол юраётганимиздан кўзларимга ишонмадим. Ваҳолонки, баланд тоғ тепасига кўтарилаётган эдик. Бундай мўъжизани кўрганингда ўзингни гўёки яшариб кетгандек ҳис қиларкансан киши.

Темир йўлнинг икки томонидаги манзарани тасвирлашга эса тил ожиз. Кунлар келади, бу ерда ҳам кўплаб санаторийлар, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари бунёд этилади. Ўзбекистон, чиндан ҳам, жаннатмонанд юрт эканлигига дунё аҳли яна ва яна тан беради.

**Собиржон ТЕШАБОЕВ, Андижон вилоятилик меҳнат фахрийси:**

— Тошкентдан Андижонгача электрлаштирилган поезд йўлининг қурилиб, фойдаланишга топширилганини эшитиб, оддий фуқаро сифатида беҳад хурсанд бўлдим. Бу, албатта, юртимизда тинчлик-осойишталик, иқтисодий барқарорлик таъминлангани, бунёдкорларимизнинг юксак салоҳияти ҳамда азму қарори самарасидир. Насиб қилса, мустақиллик байрами куни арафасида бутун оиламиз билан шу темир йўл орқали пойтахтга боришни мўлжаллаб турибмиз.

**Миролимжон ТОЖИДДИНОВ, Андижон машинасозлик институти талабаси:**

— Озод ва обод юртнинг бахтиёр фарзанди, хусусан, мустақиллик тенгдоши эканлигимдан фахрланаман. Қолаверса, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг бунёд этилиши мамлакатимиз ёшлари қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотган бўлса, мен мана шундай тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Айтмоқчиманки, буларнинг барчаси мени юртимизнинг янада равнақ топиб, жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ортишига муносиб ҳисса қўшишга даъват қилади.

**Солиддин САЛОҲИДДИНОВ, Паркент туманилик меҳнат фахрийси:**

— Агар кимдир Юртбошимизнинг "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳикматли гапининг маъно-мазмунини янада яхшироқ англамоқчи бўлса, унга, аввалaмбор, Ангрен — Поп темир йўлини, ушбу йўлда бунёд этилган туннелни бориб кўришни тавсия этаман. Чунки давр талабларига тўлиқ жавоб берувчи мазкур электрлаштирилган темир йўлдан юрган киши бу саволга ҳақиқий жавоб ола билади.

Ўзим янги темир йўлни бориб кўрдим. Бу ерда муҳташам вокзаллар ва бошқа замонавий бинолар ҳам қурилган. Шу кунларга етказганига ҳар қанча шукур қилсак, арзийди.

**Бобур ЗОКИРОВ, Қибрай туманидаги "Зиё глобус" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, шу жумладан, халқимизнинг бунёдкорлик ишлари барчанинг ҳавасини келтирмоқда. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда қатнашиб, бунга яна бир бор шоҳид бўлдим.

Довондаги узундан-узун "пўлат из"лар, маҳобатли кўприклар, замонавий вокзал ва бекатларни кўриб, очиғи, Ўзбекистондек муқаддас Ватанда туғилганимдан, шу ерда улғайиб, тадбиркор сифатида элу юртимга наф келтираётганимдан ғурурланиб кетдим. Янги темир йўлнинг аҳамияти шундаки, у келгусида биз, тадбиркорларга дунё бозорларига чиқишимиз, мамлакатимиз довруғини бутун оламга янада кенгроқ ёйишимиз учун улкан имкониятлар эшигини очади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6